

Етим бола асрасак, оғиз-бурнимиз қон бўлмайди!



11:32 / 07.12.2021 2885

Аллоҳ таоло ҳар кимнинг тақдирини ҳар хил яратган. Кимдир ота-она қарамоғида улғайса, яна кимдир оила бошлиқларисиз вояга етади. Бундай ҳолда асло ўксимаслик керак. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким етимни кафиллигига олса ва уни ўз таомига шерик қилса, ғамхўрлик кўрсатса, у одам, албатта, жаннатга киради**», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Етимга кафил бўлиш уни ўзининг боласи қилиб олиш дегани эмас. Жамиятимизда фарзанд кўрмаган оилаларнинг Меҳрибонлик уйларида бола асраб олаётганларига гувоҳ бўламиз. Аммо етим бола асраб олиб, уни халқдан яшириб, худди ўзиникидек кўрсатадиганлар ҳам йўқ эмас.

Айримлар асраб олганликларини ҳатто боланинг ўзидан ҳам яширадилар. Бу ишни боланинг кўнгли ўксимасин, халқ орасида гап-сўз кўпаймасин, деган турли важлар билан қилишади. Лекин бу динимиздаги етимпарварлик қоидаларига зиддир. Етимни кафилликка олиб, уни ўз боласидек асраб-авайлаб, то ўз кунини ўзи кўрадиган бўлгунича ғамхўрлик қилиш керак. Бу билан етим болани катта бўлгандан кейин ҳайдаб юбориш керак дегани эмас.

Жумҳур уламолар Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Моликлар: «Етим балоғатга етганидан кейин ундан ўз ёрдамнингизни тўхтатиб қўйманг. Токи у ўзини эплаб олсин», дейдилар. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса етимнинг мустақил яшай оладиган ёшини йигирма беш деганлар.

Халқимизда: «Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой бўлар. Етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон бўлар», деган мақол бор. Бу мақол нотўғри ва динимизнинг чақириқларига зиддир. Чунки бир мақол деб, бутун бошли динимизнинг юксак амрларига ва чақириқларига қарши борилмайди. Шу боис етимни асраб олдингизми, уни чиройли тарбияланг. Унга шахсий мақсадларингиз йўлида ишлаб берувчи кишидек қараманг. Етим бу жамиятга сиз берган тарбия орқали киради. Бу тарбия яхши бўлса, у ўз ўрнини топади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Энг яхши уй етимга яхшилик қилинган, энг ёмони эса, етимнинг қалби ўкситилган уйдир»** дедилар. (Имом Термизий ривояти).

Сайид Раҳматуллоҳ Термизий

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби